

# **1-сонли пудрат шартномаси**

Дүстлик шаҳри

«24» февраль 2022 йил.

Дүстлик туман Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари Ф.Абдувалиева ва «BAHOR SHOP» МСНЛ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари И.Давронов мазкур шартномани қуидагилар хакида туздилар.

## **1. Шартнома предмети**

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг толшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул килиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

-Дүстлик туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 7-сон давлат мактабгача таълим ташкилотини биносида жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажариш учун.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил « 24 » февралга қадар пудратчига зарурӣ лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30 % аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

## **2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати**

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и микдорида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аникланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлик хажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал килади.

## **3. Тафафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари**

### **3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:**

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишига йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурӣ чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи кўйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг З-бандида кўрсатилган хак тўлаш мажбурияти бажарилмаганида, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аникланганда, булар ҳақида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг З-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хак тўлаш.

3.4. Буюртмачи кўйидаги хукукларга эга:

3.4.1. Ҳар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмiga мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан хамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

#### **4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 630.472.853 (Олти юз ўттиз миллион тўрт юз етмиш икки минг саккиз юз эллик уч минг) минг сўмни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисоб-варагига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартноманинг бажарилмаган қисми суммасидан 20 % микдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 15% микдорида жарима ва 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо пеня кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик конунчилиги мөъёларига мувофик қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

#### **6. Коррупцияга қарши келишув**

6.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича коидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу характеристарнинг олдини олиш бўйича чора тадбирлар қабул килинишини кафолатлади.

6.2 Томонлар коррупцияга қарши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равиша (электрон почта оркали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) оркали бир бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ

талаб қилиш хукуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномани бекор қилиш хукуқига эга ёки унинг ижросини тұхтатиб қўйиши мумкин.

6.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган заарларни қоплаш конунчиликда кўрсатилган тартибида амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган заарлар қоплашни талаб қилишига ҳакли эмас

## **7. Форс-мажор холатлари**

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирилаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошка тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## **8. Низоларни ҳал этиш тартиби**

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шахрида жойлашган Жиззах вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишига топширадилар.

## **9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишида расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан оширилиши мумкин;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан оширилиши муддатта тухтатиб турилади;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тутатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулади.

9.6. Шартномани бекор қилишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Якуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартериш ва құшимчалар, улар факт езма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, ғазначилик органларида рўйхатдан ўтганидан сўнг хакикий хисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3. Шартномага илова: «**BAHOR SHOP**» **MCHJ** гувоҳномаси

## 11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«**BAHOR SHOP**» **MCHJ**

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Дўстлик т. Наврӯз МФЙ Ғаллакор кўч

X/P 20208000505119930001

Банк: Миллий банк Жиззах вил филиали

СТИР: 306698986

МФО: 00121

ОКОНХ:

«Буюртмачи»

**Дўстлик туман** Мактабгача таълими  
бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дўстлик ш. Мустакиллик кўчаси

ш/х\* 100022860082157091100251018

Банк номи: Тошкент ш. Марказий банк Бош  
Бошқармаси

МФО: 00014 СТИР: 305154334

ОКОНХ:

Дўстлик туман Ғазначилик бўлинмаси

Ўз. Рес. Молия вазирлиги ягона Ғазна хисоб вараги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919

Рахбар   
(лавозим) И.Давронов  
имзо (Ф И Ш)



Рахбар   
(лавозим) Ф.Абдувалирова  
(Ф И Ш)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI  
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shah ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA  
№ 1125**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** 1-sonli pudrat shartnomasi

**Loyihaning mazmuni:** Do'stlik tumani maktabgacha ta'lif bo'limi mudiri Abdujalilova Feruza Esonboevna va «BAHOR SHOP» MCHJ rahbari Davronov Ilxom Halil o`g`li o`rtasidagi 24.02.2022 kungi qiymati **630,472,853** so`mlik 7-son MTT ni joriy ta`mirlash to`g`risidagi 1-son pudrat shartnoma loyihasi.

3. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tuman maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 2022-yilning 24-fevral kuni ishlab chiqilgan.
4. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yil 24-fevral kuni Markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
5. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

Markazning yuridik xulosa bergen xodimi loyihaning moliyaviy tomonlariga javobgar emas!

**Markaz boshligi,  
2-darajali yurist**



**U.A.Abdiev**  
24.02.2022 yil